

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА ХАЛИМА БУВАБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Sociological
Sciences**

Кадилова Халима Бувабаевна

Қорақалпоқ халқининг миллий идентиклик хусусиятлари 3

Кадилова Халима Бувабаевна

Особенности национальной идентичности каракалпакского народа 28

Kadirova Xalima Buvabaevna

Peculiarities of national identity of Karakalpak people 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 58

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА ХАЛИМА БУВАБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Sots18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида info@dba.uz ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каланов Комил Кулахматович
социология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Матибаев Ташпулат Балтабаевич
социология фанлари доктори, профессор
Камалова Хатира Сабировна
социология фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институту**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2018.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « _____ » кунлари соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2020 йил « _____ » кунлари тарқатилди. (2020 йил « _____ » _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).



М.Б. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
социология фанлари доктори
доктори, профессор

А.Б. Юнусов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
социология фанлари номзоди,
доцент

Ш.М. Содиқова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси,
социология фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илмида ХХ асрнинг 90-йилларидан бошлаб, ҳар бир мамлакат фуқароси учун миллий, сиёсий, ҳудудий ва диний мансублиги, яъни ўз «идентиклик»лигини намоён этиш «ўзликни англаш»нинг бир белгиси сифатида қаралмоқда. Бугунги дунё манзарасини «манфаатлар кураши» сифатида баҳолаш мумкин ва мазкур кураш ижтимоий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу ўз навбатида замонавий глобаллашув жараёнларининг моҳияти, тенденциялари, унинг оқибатида юзага келаётган глобал муаммоларни, жамиятлар ҳаётидаги ўзгаришлар, хусусан, идентиклик масалаларини ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Дунё миқёсида ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида идентиклик масалаларининг психологик, социологик, антропологик, фалсафий ва маданий жиҳатлари илмий тадқиқотларнинг объекти бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро доирада миллий муносабатлар, этник идентиклик масалалари билан кўплаб тадқиқот марказ ва илмий-текшириш институтлари шуғулланадилар. Шундан, Россия Фанлар академияси қошидаги Этнология ва антропология институти «Ижтимоий онгнинг этник, фуқаролик ва бошқа формаларини тадқиқ этиш» бўйича, Социология Институтида ташкил этилган «Миллатлараро тадқиқот маркази»да «Ўзгарувчан жамиятда давлат, фуқаролик, этник ва диний идентикликнинг мувозанати ва ўзаро фаолияти» масалалари бўйича, Буюк Британиянинг Кардифф шаҳридаги «Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича илмий-текшириш кенгаши» (ESRC, Economic and Social Research Council) этник ва диний муносабатларда идентиклик масалаларини, Лондондаги «Ирқий муносабатлар институти» (Institute of Race Relations) этник гуруҳларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий тенглиги масалалари билан, Марказий Осиёни тадқиқ этиш Француз институти (IFEAC - Institut français d'études sur l'Asie centrale) Марказий Осиёда истикомат қилаётган халқларнинг маданияти, турмуш тарзи ва этник идентиклиги масалалари билан шуғулланадилар. Идентиклик – бу шахснинг мавжуд социумда турли маданий хусусиятларни ўзида жамлаганлиги ва шунинг асносида ўзининг маълум социал бирликка тегишли эканлигини англаш, ҳис этишидир.¹ Аммо бугунги кунда глобаллашув туфайли дунёда шаклланаётган янги қадриятлар билан инсоният орттирган ҳаётини тажриба ўртасидаги узвийликнинг муайян даражада бузилиши, турли хил таҳдидларнинг ҳозирги ҳолати жараёнида ўзгараётган идентиклик муаммосини махсус тадқиқ этиш заруратини тақозо этмоқда. Глобал макондаги ижтимоий ўзгаришлар ҳар бир халқ ва турли этник-ҳудудий бирликлар мазмунида ҳам муайян ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Миллий идентикликнинг негизий элементлари бўлган маданий ўзига хослик, тил, санъат, маънавий категориялар мазмуни ҳам ўзгармоқда. Миллий мустақилликка эришилгандан сўнг Марказий Осиё

¹ Борневассер М. Социальная структура, идентификация и социальный контакт // Иностранная психология. – 1993. – Т. 1. – № 1. – С. 69.

халқларининг, хусусан ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркманларнинг ҳам миллий идентиклик жараёнларини англаш эҳтиёжи ва бу феноменга бўлган қизиқишлари ортди.

Мустақиллик йилларида хусусан миллий идентиклик таркибидаги «миллий ғурур»¹, «миллий туйғу»², «ўзликни англаш»³, «миллий менталитет»⁴ тушунчаларини тадқиқ этишнинг илмий доираси кенгайди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасида ҳам миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда этник, фуқаролик, социал идентиклик (мансублик, айнанлик, монандлик) омиллари янги мазмун касб этди. Ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган ислохотлар натижасида қорақалпоқ халқи идентиклигининг миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, анъана ва кадриятларга ҳурмат каби белгилари мустаҳкамланди. Шу асосда Қорақалпоғистонда маънавий етук ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими мустаҳкамланди ҳамда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Миллий идентикликнинг динамик хусусияти муайян бир этнохудудий маконда истиқомат қилаётган халқ ва элатларда миллий мансублик ва ўзликни англашга бўлган эҳтиёжнинг юксалиши билан изоҳланади. Бундай эҳтиёж бугунги тарихий тараққиёт босқичида адолатли давлат сиёсати ва жамият манфаатлари асосида тобора ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Чунки ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англаши, унинг миллий барқарорлигини таъминлайдиган омиллардан бири саналади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»⁵ни рағбатлантиришга доир муҳим вазифалар белгиланди. Шу боис ҳам миллий идентиклик тизимининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар, ижтимоий тузилмалар эволюциясини тизимли тадқиқ этиш, идентиклик феномени ва унинг ижтимоий хусусиятлари динамикаси прогнозини амалга ошириш алоҳида долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Миллий ғурур – шахс, ижтимоий гуруҳнинг муайян миллатга мансублигидан фахрланиш хисси. Бу туйғу ўзини ўзи англаш шаклларида бири бўлиб, аجدодлар қолдирган моддий, маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига кўшган хиссаси, кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш хиссини ифодалайди.

² Миллий туйғу муайян мамлакат фуқароларининг ижтимоий воқеликда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни хис этиш, унга бўлган муносабати билан боғлиқ. У миллий руҳият, маданий-маънавий мерос, урф-одат ва анъаналар, тарихий тажриба билан боғлиқ ҳолда миллат менталитетида яққол намоён бўлади.

³ Шахс фаолиятида муҳим ўрин тутиб, шахс ва жамиятнинг маънавий камолоти, фуқаролик жамиятининг моддий-маънавий асосларини мустаҳкамлашда улкан аҳамиятга эга.

⁴ Миллий менталитет (лот. *mens* – ақл, тафаккур, фикрлаш тарзи) – миллий онг ва фаолият характерини ифодаловчи тушунча.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28-12-2018. <https://president.uz/uz/lists/view/228>

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2017 йил 19 майдаги № ПКҚ-5046-сон Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» илмий тадқиқот дастурининг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси доирасидаги ишларни комплекс таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатдики, миллий идентиклик муаммосининг ўзига хос хусусиятлари сўнгги даврда турли ижтимоий фан вакиллари томонидан тадқиқ этилган. Жамият ҳаётида «идентиклик» ва «ўзликни англаш» муаммолари таҳлил этилар экан, унинг негизида қорақалпоқ халқининг ментал хусусиятларини намоён қилувчи ижтимоий омиллар тадқиқот ишининг тарқибий қисмини ташкил этди.

Замонавий ижтимоий фанларда «идентиклик» тушунчасининг бир нечта талқини мавжуд. Ижтимоий ўзгаришлар жараёнига идентиклик феноменининг кучли таъсир этиши сабабли мазкур муаммонинг социологик хусусиятларини урта гуруҳга ажратиб ўргандик. Биринчи гуруҳга идентикликни социал феномен сифатида тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратувчи олимларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин. Жумладан, Б.Андерсон, М.Фуко¹лар идентикликни инсонлар маданий ҳаёти ва турмуш тарзидаги социал муаммолар билан уйғунликда ўрганган бўлсалар, иккинчи гуруҳ Ж.Тернер, Э.Смит, Т.Кун²лар идентикликни диний эътиқод билан боғлаган ҳолда, Э.Эриксен, М.Мид ва Р.Миллс³лар идентикликни ментал хусусиятлар доирасида, П.Бергер ва Т.Лукман⁴лар эса яхлит социал организм сифатида С.Шульман, П.Альтер ва К.Левинлар миллий-этник

¹ Андерсон Б. Воображаемые сообщества. Размышление об истоках и распространение национализма. М.: Канон-пресс.Ц.; 2001., Фуко М. Археология знания. СПб.: Гуманитарная Академия: Университетская книга, 2004.

² Тернер Дж. Структура социологической теории. М.: «Прогресс», 1985, Смит Э. Национальная идентичность. М.: «Основы». 1994., Кун Т. Структура научных революций. М., 2009.

³ Мид М. Культура и мир детства. Избранные произведения. М., 1988., Миллс Р. Властвующая элита. – М.: Издательство иностранной литературы, 2010. / Перевод с англ. Е.И.Розенталь, Л.Г.Рошаль, В.Л.Кон. – С. 406., Гидденс Э. Социология. Тошкент, «Шарк» нашриёт-матбаа концерни. 2002. – 846 бет; Мид М. Культура и преемственность. Исследование конфликта между поколениями. Культура и мир детства. Избр. произв. / Пер. с англ. М.: «Наука», 1988.; Эриксен Э. Идентичность: юность и кризис. – М.: Владос, 1996. – С. 326.

⁴ Бергер П., Лукман Т. Социальное конструирование реальности. Трактат по социологии знания. – М.: «Медиум», 1995. – С. 323.

жараён тарзида таҳлил этганлар.

XX асрнинг 90-йилларига келиб муаммо юзасидан шуғулланган учинчи гуруҳ олимлари жаҳон харитасида янги мамлакатларнинг пайдо бўлиши ва XXI асрда ҳам ушбу жараённинг давом этиши билан боғлиқ равишда дунё аҳолисида этник ва диний мансублик масаласининг фавқулдда долзарб аҳамиятга эга бўлишини асословчи назарий ёндашувни шакллантирдилар. Бу ёндашув ўз негизида «низолар таълимоти» ва «ўзаро ёрдам кўрсатиш» ғоясини мужассам этади. Социологик ёндашувлар тизимида Х.Беккер ва Д.Томсонлар «социал шартнома» таълимотини, К.Мангейм, Хосе Ортега-Гассет, И.Гофман, П.Бурдые, И.Кон, П.Нора, Т.Шанин¹ каби олимлар эса идентикликнинг социал феномен сифатида ривожланиб боришини «авлодлар муаммоси»ни ечиш негизидаги социомаданий контекстда ўрганиш фикрини илгари суришган.

МДХ давлатларида С.Абашин, Л.Русских, К.Туаева, В.Ачкасов, Н.Жукова, Ю.Гранин, Т.Стефаненко, Н.Антонова² ва бошқа олимлар ўз илмий тадқиқотларида идентикликнинг жамиятда ўзликни англаш, ижтимоий-маданий тажриба, маданий-тарихий хотира ва социомаданий мерос билан бевосита алоқадор масала эканлигини таъкидлаганлар.

Ўзбекистонда миллий менталитет ва ўзликни англашнинг социологик масалаларини М.Бекмуродов, Р.А.Убайдуллаева, О.Ата-Мирзаев, М.Ганиева, Н.Алиқориев, Т.Матибаевлар; ижтимоий ва диний омилларни А.Умаров, А.Холбеков, К.Каланов, О.Абдуазимов, Р.Т.Убайдуллаева, Б.Фарфиев, Н.Латиповалар; ворисийлик ва авлодлараро муносабатлар тизимини Ш.Содиқова, А.Сеитов, С.Каланова³лар, катта ва ёш авлод

¹ Becker H. Discontinious change and generational contracts. London, 2000; Kohli M. Aging and justice. Research group on aging and life course. Research Report 74. Berlin, 2005; Thomson D. Selfish generations. The ageing of the welfare state. Wellington, 1989; Ортега-И-Гассет. Х. Восстание масс. М. Изд. «АСТ Москва», 2008. – С. 249-347; Гофман И. Представление себя другим в повседневной жизни. М. Изд. «Канон пресс Ц»; Бурдые П. Социология социального пространства. М.: Изд. «Алетейя», 2007. – С. 80-278; Шанин Т. История поколений и поколенческая история // Отцы и дети: поколенческий анализ современной России. С. 17-38., Ортега-и-Гасет Х. Вокруг Галилея // Ортега-и-Гасет Х. Избранные труды: Пер. с исп. М., 1997. С. 233-403., Маннгейм К. Очерки социологического знания. Теория познания - мировоззрение - историзм. М. 1998. С. 84-85.

² Русских Л. Идентичность: культурная, этническая, национальная. // Вестник ЮУрГУ. Серия «Социально-гуманитарные науки», 2013. – С. 178-180, Туаева К. Философские основы национальной идентичности. // Вестник университета МГУ. 2014. – С. 287-292., Ачкасов В. Национальная идентичность как исторический нарратив. // Управленческое консультирование. № 10., 2018. – С. 19-26., Жукова Н. Глобализация и сохранение национальной идентичности. // Философия и общество. № 2., 2006. – С. 146-153., Дятлов А., Гугуева Д. Национальная идентичность – как основа европейской идентичности. // Вестник НГУЭУ. № 1., 2017. – С. 230-241.

³ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 36.; Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О. Ўзбекистан в зеркале общественного мнения. Монография– Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2016. – Б. 351.; Ганиева М. Совершенствование системы подготовки специалистов по социальной работе в вузах Узбекистана: проблемы и новые возможности // Материалы международного форума «Духовно-нравственные основы общества в системе социальной поддержки детства и семьи». – Ташкент: РЦСАД, 2012. – С. 238-241.; Алиқориев Н. Ўзбекистонда социологик тадқиқотлар ва илмий мактаблар // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. – Тошкент, 2010. – Б. 10.; Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. –Тошкент: Янги китоб, 2016. – Б. 156; Умаров А. Республика ахборот-кутубхона соҳаси: янгича талаблар // Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 9.; Холбеков А. Маънавий кадрятларни тиклаш, мустақиллик мафкурасини яратишда миллий кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 363.; Убайдуллаева Р.Т. Саморефлексия как

Ўртасидаги этномаданий жиҳатларга оид хусусиятларини ўз тадқиқот ишларида асослаганлар. Ўзбекистон шароитида идентикликнинг антропологик омиллари алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида Ш.Мадаева¹нинг изланишларида тадқиқ этилган. Қорақалпоғистон шароитида миллий идентиклик хусусиятлари қорақалпоқ халқи мутафаккир ва олимлари: Бердақ, Ажиниёз, Т.Қаипбергенов, Ў.Абдурахмонов, С.Камалов, Ж.Базарбаев, Х.Камалова, Б.Кошанов, Я.Абдуллаева, З.Қурбанова, М.Давлетияров, Г.Сапарова²ларнинг илмий асарларида тарихий, фалсафий, маданиятшунослик, шунингдек, фольклор-этнография фанлари доирасида ўрганилган.

Қайд этиш лозим, ҳар қандай жамият ўзига хос контент ва структурага эга бўлиб, унинг ижтимоий хатти-ҳаракатлари мазмуни, ҳаётий шарт-шароитларини ишлаб чиқариш воситалари, аҳолининг жойлашуви, иқлим, экологик вазият, сиёсий-географик омиллар, маданият ва ташқи таъсир хусусиятлари белгилаб беради. Бу борада қорақалпоқ халқининг идентиклиги ва ментал хусусиятлари ижтимоий фанлар тизими, хусусан социология йўналишида атрофлича ва тизимли тарзда тадқиқ этилмаган.

Айниқса, мамлакатимиз социология фани доирасида идентикликнинг миллий, этник, фуқаролик, касбий жиҳатлари ижтимоий омил сифатида ҳамда конкрет социологик тадқиқотларни амалга ошириш асосида ўрганилмаган. Хусусан, ҳозирги вақтга қадар қорақалпоқларнинг миллий идентиклик хусусиятларини чуқур илмий асослаш имкониятини берадиган комплекс социологик тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шу боис, қорақалпоқ халқининг миллий менталитети ва идентиклиги масаласининг социологик жиҳатларини илмий тадқиқ этишга бағишланган диссертация ишимиз мазкур камчиликларни муайян даражада тўлдиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

субъектно-практическая методология социологии. Тошкент. 2019...соц.фан. бўйича фалсафа доктори (DSc) диссертацияси автореферати., Каланов К. Марказий Осиё худудидаги ижтимоий-диний табақалар. Тошкент., 2008. – 123 бет.; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. – Б. 92-113.; Содикова Ш. Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар. Ижтимоий тадқиқотлар (www.tadqiqot.uz/soci) электрон журнали. (ISSN 2181-9556.) №. 2., 2019. – Б.16.; Ёшларни ватанга муҳаббат ва садокат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрни. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2016. – Б. 99.; Каланова С. Авлодлар алмашинуви янги социомаданий қадриятлар шаклланишининг омили сифатида. – Тошкент. 2018...соц.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.

¹ Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси – Тошкент: Noshig нашриёти, 2015. – 175 бет.

² Бердақ. Избранная лирика. – Т.: 1984; Бердақ «Амангелди», «Айдосбаба», «Ерназар бий», «Шежире», «Хорезм». Сайланды шығоамалары. Некис: Қарақалпақстан баспасы, 1997; Ажинияз. Танламалы шығармалары – Некис. 1988; Қаипбергенов Т. Қорақалпоқнома. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 366 бет.; Абдурахмонов Ў. Қорақалпоқ дунёси. Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011. – 171 бет.; Камалов С. Карақалпақи. Краткий очерк истории с древнейших времен до наших дней. –Т.: 1971; Кошанов Б.А. Қорақалпоғистон тарихи. - Нукус, 2006. – 30 бет.; Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. Монография – Тошкент: IJOD DUNYOSI нашриёт уйи. 2004. – 223 бет.; Курбанова З. Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари (қорақалпоқ мактабларининг VII–IX синфлари мисолида),.п.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2000. – 155 бет., Давлетияров М.М. Традиционные социальные институты каракалпаков. – Нукус: «Илим», 2019. – 166 стр., Сапарова Г. Қорақалпоқ халқи маънавий-диний маданияти ривожига миллий ўзликни англашнинг таъсири. Тошкент. 2019...фалс.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Миллий, диний ва умуминсоний кадриятларнинг фалсафий таҳлили» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятнинг янгиланишида қорақалпоқ халқи миллий идентиклигининг ижтимоий хусусиятларини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«идентиклик», «менталитет», «социал характер» каби тушунчаларни социологик тоифа сифатида англашнинг асосий жиҳатлари ва турли илмий ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, миллий идентиклик назариясининг моҳиятини очиб бериш;

миллий идентикликнинг даврий, ижтимоий-сиёсий, маънавий омиллар таъсирида трансформациялашуви ҳамда бу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини асослаб бериш;

қорақалпоқ халқи миллий идентиклиги хусусиятларининг социомаданий динамик омил сифатидаги моҳиятини очиб бериш ва унинг шаклланиш механизмларини аниқлаш;

ахборотлашиб бораётган жамиятда қорақалпоқлар миллий идентиклигининг барқарор ва динамик хусусиятларини социологик тадқиқ этиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

социологик тадқиқот асосида «замонавий қорақалпоқ идентиклиги»нинг социомаданий портретини яратиш ва қорақалпоқларнинг авлодлараро ворисийлиги ижтимоий динамикаси прогнозини амалга ошириш;

миллий идентиклик хусусиятларининг турмуш тарзи, дунёқараш, тафаккур тарзи, менталитет ва миллий кадриятларга таъсирини ўрганиш ҳамда қорақалпоқларнинг социомаданий жараёнлардаги иштирокида маданий-тарихий хотиранинг ролини асослаб бериш;

Ўзбекистон ривожланишининг замонавий босқичида қорақалпоқ халқи миллий идентиклашуви жараёнларининг ижтимоий динамикаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиш бўйича назарий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг замонавий фан ва ижтимоий амалиёт учун аҳамиятини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти қорақалпоқ халқи этномаданий моҳиятини ифодаловчи миллий идентиклигининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг предмети янгиланаётган жамиятда қорақалпоқ халқининг идентиклигидаги миллийлик ва ворисийлик категорияларининг ўзига хос ижтимоий хусусиятларини тизимли тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда муаммони ўрганиш учун сўров, кузатув, қиёсий таҳлил, ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Қорақалпоқ халқи идентиклигининг миллий, диний, фуқаролик хусусиятлари, ўзгаришлари ва ўзликни англаш феноменида жадал юз бераётган трансформациялашув жараёнларининг миллий қадриятларни тикланиши ва мустаҳкамланиши, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг юксалиши негизда амалга оширилаётганлиги асосланган;

Қорақалпоқ миллий идентиклигининг турли қардош халқлар билан ҳамжиҳатликда кечаётган этномаданий такомиллашув тенденциясининг ижтимоий моҳияти миллий адабиёт, санъат, халқ фольклори, шаҳарсозликда акс этаётганлиги, қорақалпоқ характерининг этномаданий қиёфаси миллий яхлитлик касб этаётганлиги социологик тадқиқот натижалари орқали очиб берилган;

Қорақалпоқларнинг Шарқ халқларига хос бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида жамлаган жамоавийлик, «кексаларга ҳурмат», «болажонлик», «оилавий муносабатларда ахлоқий фазилатлар устуворлиги», «миллий меросга ҳурмат», «миллий ғурур ва ифтихор анъаналарига содиқлик» фазилатлари қардош халқлар (Ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ва б.) билан ўзаро маданий интеграциялашуви контекстида юз бериб келаётгани асосланган;

замонавий қорақалпоқ халқи идентиклигининг илм-фан, маданият, санъат, ижтимоий ҳамда экологик соҳалардаги эволюцияси инсон капиталини ривожлантириш негизда амалга ошаётганлиги, Қорақалпоғистонда илмий-маърифий марказлар, университетлар, турли илмий тадқиқот институтлари барпо этилиши, саноатлашув тенденциясининг кучайиши, саноатни ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг рақамли иқтисодиёт асосларига кўчирилиши тарзида юз бераётганлиги асосланиб, ушбу жараёнлар халқ тафаккур тарзи, менталитети, ҳулқ-атворидаги позитив ўзгаришларни таъминлаётганлиги очиб берилган;

Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган «локал», «минтақавий» ва «глобал» ўзгаришлар қорақалпоқ тили, маданияти, этник яхлитлиги ва миллий идентиклигини ассимиляциялашув асосида эмас, балки қорақалпоқ халқи этномаданий яхлитлигининг мустаҳкамланиши негизда юз бераётгани жамоатчилик фикри натижалари орқали асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий идентиклик динамикасининг истиқболдаги ҳолатини аниқлашга қаратилган «Қорақалпоқ халқининг миллий идентиклиги» номли социологик тадқиқот дастури ва сўровномаси ишлаб чиқилган;

Қорақалпоқ халқи миллий идентиклигининг мустақиллик йилларида намоён бўлиши ва трансформациялашуви жараёнларига ахборотлашган

жамиятнинг таъсирини ўрганиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровнома, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий давлатчилик ва жамият ҳаётидаги социомаданий ворисийликни таъминлашга хизмат қилади ҳамда социология, этнография, ижтимоий антропология, фалсафа, конфликтология ва маданият социологияси фанларини илмий жиҳатдан бойитишга ёрдам бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тарихий воқеликнинг миллий мансублик, миллат табиати, менталитетга бўлган таъсирига асосланиб, қорақалпоқ халқининг миллий идентиклиги таснифларини такомиллаштиришга хизмат қилиши, шунингдек, инновацион фаол лойиҳаларни ҳудудларга жалб этишга қаратилган ишларни амалга ошириш, туркум кўрсатувлар, социомаданий тадбирлар ўтказишда қўлланиши мумкинлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, тегишли фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, малака ошириш курсларида ташкил этиладиган ўқишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ халқининг миллий идентиклик хусусиятларини ўрганиш натижасида:

Қорақалпоқ халқи идентиклигининг миллий, диний, фуқаролик хусусиятлари, ўзгаришлари ва ўзликни англаш феноменида жадал юз бераётган трансформациялашув жараёнларининг миллий қадриятлар тикланиши ва мустаҳкамланиши, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг юксалиш негизида амалга оширилаётганлиги «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган «Миллий ўзлик» ва «Ўзбекистон умумий уйимиз» номли социологик тадқиқотларда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2019 йил 1 мартдаги 01-16/74-сон маълумотномаси). Бу миллий идентиклик хусусиятларининг турмуш тарзи, дунёқараш, миллий тафаккур, менталитет ва миллий қадриятларга таъсирини асослаш имкониятини берган;

Қорақалпоқ миллий идентиклигининг турли қардош халқлар билан ҳамжиҳатликда кечаётган этномаданий такомиллашув тенденциясининг ижтимоий моҳияти миллий адабиёт, санъат, халқ фольклори, шаҳарсозликда акс этаётганлиги қорақалпоқ характерининг этномаданий қиёфаси миллий яхлитлик касб этаётганлиги акс этган социологик тадқиқот

натижаларидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган «Ўзбекистон умумий уйимиз» номли социологик тадқиқотда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2019 йил 1 мартдаги 01-16/74-сон маълумотномаси). Мазкур сўровномадаги натижалар қорақалпоқ халқининг миллий, фуқаролик, диний идентиклигини миллий адабиёт, халқ фольклори, санъат, шаҳарсозлик омиллари орқали илмий асослаб беришга хизмат қилган;

Қорақалпоқларнинг Шарқ халқларига хос бўлган миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзида жамлаган жамоавийлик «кексаларга ҳурмат», «болажонлик», «оилавий муносабатларда ахлоқий фазилатлар устуворлиги», «миллий меросга ҳурмат», «миллий ғурур ва ифтихор анъаналарига содиқлик» фазилатлари қардош халқлар (ўзбеклар, қozoқлар, туркманлар ва б.) билан ўзаро маданий интеграциялашуви контекстида юз бериб келаётган жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон Фармонининг 2-иловасида белгиланган бандлар ижросини таъминлашга қаратилган. 2019-2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси дала т сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича йўл харитасининг «Жамиятда кўп миллатли қатта оила туйғусини, республикада истиқомат қилаётганларни тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик» Ш.3.11,3.17-банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019 йил 18 мартдаги 01-09-394-сон буйруғи). Бу қорақалпоқ миллий идентиклигининг этномаданий жиҳатлари динамикасидаги миллий ва умуминсоний кадриятларни илмий асослаб бериш имконини берган;

замонавий қорақалпоқ халқи идентиклигининг илм-фан, маданият, санъат, ижтимоий ҳамда экологик соҳалардаги эволюцияси инсон капиталини ривожлантириш негизида амалга ошаётганлиги Қорақалпоғистонда илмий-маърифий марказлар, университетлар, турли илмий тадқиқот институтлари барпо этилиши саноатлашув тенденциясининг кучайиши, саноатни ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг илмий асосларга кўчирилиши тарзида юз бераётганлиги асосланиб, ушбу жараёнлар халқ тафаккур тарзи, менталитети, ҳуқуқ-атворидаги позитив ўзгаришларни таъминлаётганлиги ҳамда уларнинг ўзгариши тенденцияларидан Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги 2019 йил 1 февралда тасдиқланган иш режасининг 1.2,2.10-банди ижросини таъминлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги 2-02/1524-сон

маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши турли хил давра суҳбати, семинар ва тарғибот-ташвиқот ишларида худудга инновацион фаол лойиҳаларни жалб этишга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган «локал», «минтақавий» ва «глобал» ўзгаришлар қорақалпоқ тили, маданияти, этник яхлитлиги ва миллий идентиклигини ассимиляциялашув асосида эмас, балки қорақалпоқ халқи этномаданий яхлитлигининг мустақамланиши негизида юз бераётгани жамоатчилик фикри натижалари орқали асослаб берилаётгани Республика Маънавият ва маърифат марказининг «Миллий ғоя ва мафкуравий тадқиқотларни ташкил қилиш» бўлимида 2016-2018 йилларда амалга оширилган амалий тадқиқотлар давлат грантлари лойиҳаси доирасида: А 1-071 шифрли «Мураккаб ва таҳликали замоннинг маънавий таҳдидларига қарши мафкуравий кураш воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» мавзусидаги давлат грантини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 9 октябрдаги 02-09-1366-сон маълумотномаси). Мазкур грант лойиҳасида «идентиклик» ва «миллий идентиклик» тушунчаларини социологик англашнинг локал, минтақавий ва глобал хусусиятларидан миллий ғурур ва аждодлар меросидан фахрланиш туйғуларини юксалтириш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 35 дан ортиқ илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда 8 та, хорижий журналларда 4 та илмий мақола чоп этилган, илмий-амалий конференцияларда 36 та маъруза ва тезислар эълон қилинган, 2 та монография, 1 та услубий қўлланма нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 6 та параграф хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 126 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг илмий янгилиги асосланган. Тадқиқотнинг объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги,

апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Миллий идентиклик хусусиятларини ўрганишнинг назарий методологик асослари» деб номланган биринчи бобида миллий идентикликнинг ўзбек тилида қўлланилаётган «айнанлик»,¹ «мансублик»,² «монандлик»³ каби атамалар билан изоҳланаётган ижтимоий муносабатларга киришиш жараёнларида юзага келиши асосланган. Идентиклик мураккаб шаклланиш босқичлари силсиласидан ўтиб, унинг асосини тарихий хотира, психологик ирода, ижтимоий характер мезонлари ташкил этиб келганлиги, унинг тарихий ўзгарувчан характери, ривожининг замонавий тенденциялари таснифлари тадқиқ этилган.

Маълумки, этнос ёки миллатнинг идентиклиги авваламбор давлат ва халқ манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ «ўзликни англаш» туйғуси асосида шаклланади. Чунки ўзликни англаш орқали нафақат миллий, этник манфаатларни, балки шу билан бирга, миллий жипслиликни вужудга келтирувчи ментал хусусиятларни ҳам мақсадга йўналтириш мумкин. Миллий идентикликнинг яна бир хусусияти – у миллат характери ва менталитетининг ижтимоий-маънавий жиҳатларини англашнинг асоси ҳам ҳисобланади. Ўзликни англаш миллий идентикликнинг бир қисми ҳисобланади. Лекин қўплаб тадқиқот ишларида ўзликни англаш омили узок вақтларгача идентиклик тушунчасига қориштириб юбориларди. Аслини олганда миллий идентиклик ўзида менталитет ва ўзликни англаш тушунчаларини мужассам этади ва миллатнинг характерли хусусиятларини белгилашда уларни бир-биридан айри кўриш мумкин эмас.

Миллий идентиклик муайян худудда яшовчи, ўз тили, урф-одати, анъана ва қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ва ижтимоий уюшган инсонлар бирлашмаси билан боғлиқ тушунчадир. Миллий идентикликсиз инсон онги ва тафаккури, руҳияти, маънавияти турғунлик ҳолатига тушиб қолади. Мазкур бобда миллий идентиклик, менталитет ва ўзликни англаш жараёнлари социологик таҳлил этилиб, унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳақида фикр юритилади. Тадқиқот иши бевосита қорақалпоқ идентиклиги билан боғлиқ бўлгани учун, унда этнографик гуруҳ омилига ҳам эътибор қаратилди. «Этнографик гуруҳ одатда бир қабила ёки элатнинг бошқа ерга бориб, иккинчи бир халқ таркибига кириб яшаётган, аммо унинг таркибига мутлақо сингиб кетмай, у билан бирга яшаб келаётган этник бирликка айтилади».⁴ Илмий манбаларда этнографик гуруҳ «субэтнос» сифатида ҳам келиши мумкин.

Идентиклик (идентификация) атамаси инглиз тилидан (identity) олинган бўлиб – «айнанлик», «мансублик» маъноларида қўлланилади.⁵

¹ Қаранг: Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент., 2015. – Б. 41.

² Қаранг: Каланов К.К. Марказий Осиё худудидagi ижтимоий-диний табакалар. Тошкент., 2006. – Б. 45.

³ Қаранг: Саидов А. Инсон ҳуқуқлари ва ҳозирги дунёда монандлик муаммолари. // Тарих ва ўзликни англаш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси. Халқаро конференция материаллари, Тошкент 2005 йил, май. – Б. 45.

⁴ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т.: O'zbekiston. НМИУ, 2015. – Б. 21.

⁵ Қаранг: Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент., NOSHIR, 2015. – Б. 41-42.

Идентиклик кичик социал гуруҳлар, синфлар, худудий бирликлар, этник ва миллий гуруҳлар, халқлар, социал ҳаракатлар, шунингдек, давлат ва глобал миқёсда бутун бир инсоният билан боғлиқ тушунчадир. Бунда инсон социал муносабатлар тизимидаги маданий субъект, ёки агент (ташувчи) сифатида ўзини идрок этади, ҳис этади ва баҳолайди. Социумда инсон бир пайтнинг ўзида ўзини бир неча социомаданий бирлик ва гуруҳлар билан идентификациялаши мумкин.¹ Социомаданий идентикликнинг индивидуал жиҳатлари озми-кўпми чегараланган тизимга эга бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларини иерархик тартибга солинганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бунда шахс ўзини айрим гуруҳ ва бирликларга маълум жиҳатдан яқинлик нуқтаи назаридан «тегишли» деб ҳисоблайди.

Яқин вақтларгача «идентиклик» тушунчаси илмий баҳс-мунозараларда деярли ишлатилмас ва қўлланмасди. Мазкур атаманинг назарий ва эмпирик ўрганиш предмети бўлмаган. У монография, дарслик ва журнал материалларида учрамасди. Бу тушунчани ҳатто психология луғатларининг сўнгги нашрларида ҳам учратмаймиз. Фақат сўнгги ўн йилликларда «идентиклик» атамаси миллий матбуот саҳифаларида пайдо бўла бошлади. Шундай бўлса-да, у ҳамон аксарият ўқувчилар учун нотаниш, тушунарсиз бўлиб, одатий илмий категориал аппаратга қийинчилик билан мослашмоқда.

Идентиклик ижтимоий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, муайян яхлик структурага дахлдорлик ҳисси билан боғлиқ ҳолда, инсон томонидан ўзининг ана шу структуранинг бир қисми эканлигини ва унинг таркибида муайян аниқ ўринга эга эканлигини англашни билдиради. Идентиклик кишига ўз эҳтиёжларини қондириш ва жамиятдаги ўз ўрнини топишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, унга энг оғир азоб – буткул ёлғизлик ва шубҳалардан халос бўлиш имконини беради. Шулардан келиб чиқиб, биз идентиклик тушунчасига ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни бердик: «Идентиклик – бу ривожланиш жараёнида пайдо бўлади ва муайян яхлит структурага мансублик ҳиссини туйиш, шунингдек, шахснинг айнан ушбу структурага тегишли эканлиги ва унинг таркибида муайян аниқ ижтимоий гуруҳнинг бир қисми эканлигини англашни билдиради. Идентиклик воситасида инсон ўзи мансуб бўлган ижтимоий макондаги социомаданий эҳтиёжларини қондиради ва у орқали жамиятда ўз ўрнини топади».

Диссертациянинг «**Халқ маънавияти динамикаси ва миллий идентиклик муаммолари**» деб номланган иккинчи бобида миллий идентификациялашиш механизмининг ижтимоий-маданий асослари, уни ривожлантиришда миллий ва халқаро тажрибани уйғунлаштириш, халқларнинг этник таркибидаги ўзгаришларнинг идентиклик ва ментал хусусиятларга таъсири билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш ва уни янада юксалтириш жамиятни тубдан янгилаш йўлидаги энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Тил, урф-одат, анъана ва кадрятлар миллий

¹ Шнейдер Л.Б. Профессиональная идентичность: - М.: МОСУ, 2001. – С. 15.

Ўзликни англаш ва халқнинг идентиклиги шаклланиб боришининг асосий манбаси ҳисобланади. Халқ маънавияти миллатнинг руҳияти, дунёқараши ва менталитети билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Айнанлик ёки мансубликдан бегоналашган миллат ўзлигидан маҳрум бўлиб, маънан тоқатсиз маргиналга айланади. Шундай экан, давр салбий маргиналликнинг олдини олиш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириб боришни тақозо қилади. Чунки жамиятдаги ижобийлик орқали миллат вакиллари ўзаро жипслашади ва яқдиллик вужудга келади. Аммо бугунги кунда глобаллашув жараёнларининг авж олиши натижасида маргиналлик миллий идентикликка салбий таъсир ўтказмоқда.

Миллий тарих ва унинг негизида шаклланган миллий идентиклик ҳаммани бир хил қониқтирмаслиги мумкин. Соғлом жамиятда ўтмишнинг у ёки бу воқеаларига нисбатан муқобил баҳо ва танқидий мушоҳадаларга ҳам ўрин топилиши керак. Аммо унутмаслик керакки, бу ҳолат жамиятнинг маргиналлашувиغا олиб келмаслиги лозим. Диссертациянинг мазкур бобида ана шу жараённинг олдини олишда миллий урф-одат ва анъаналарга таяниш заруратининг кучаяётганлиги, унинг ижтимоий омиллари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари ҳақида фикр юритилади.

Исталган ижтимоий тизимнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан турли ҳамжамят ва этник гуруҳларнинг ўзлигини англаши жараёнига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи тарихий хотира билан боғлиқ бўлади. Бинобарин, тарихий онг – бу бутун бир жамиятда турли ижтимоий ва этносоциал гуруҳлар ёки айрим кишилар учун тегишли ва хос бўлган тарихни ранг-барангликда англанишидир.

Шунинг учун мустақиллик йилларида халқимизнинг миллий ўзлигини тиклаш, ривожлантириш, жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш, юксалтириш асосий вазифалар қаторидан ўрин олди. Маълумки, ижтимоий ривожланиш жараёнида туб ўзгаришларнинг вужудга келиши оммавий тарихий онгда тарихни идеаллаштириш билан боғлиқ ҳолатларни юзага келтиради. Ўтмишнинг мавжуд социал қоидалари, турли хил қараш ва бошқа шу каби ижтимоий ҳодисалар амалдаги мафкуравий жараёнлар асосида қайта баҳоланади. Шу боис ҳам инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида кишиларнинг социумдаги ўрни, мавқеи қандай бўлиши руҳий ва маънавий мезонлар асосида қайта баҳоланиб, ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий ўзликни англаш миллат ҳаётидаги ижтимоий омиллар билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотчи Ш.Мадаева миллий ўзлик ва менталитет масалаларини ўрганар экан, ўзининг илк тадқиқот ишларида «миллий идентификация» мавзусини кўтаради. Унга кўра: «Миллий идентификация – бу истиклол даврида янги ҳаёт тарзини бошлаган давлатлар фақатгина миллийлик нуқтаи назаридан давлат қизиқишларини ифода этишини билдирмайди. Одатдан ташқари жараёнга мослашиш ва сақланиб қолиш учун курашиш вазиятида тарихийлик моддий ва маънавий қадриятлар нуқтаи назаридан ўз илдизларини ўзликни англаш учун барча прогрессив ва иқтисодий

силжишларга тўсқин бўлаётган анъанавий дунёқарашга асосланган миллий тафаккур таркибидаги камчиликларни қайтадан мушоҳада қилиш эвазига замонавий дунё тараққиётига интеграциялашишдир».¹ Демак, миллий идентикликнинг негизида миллий ғурур ётади.

Бугунги кунда тарих ва этнография фанлари доирасидаги тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, дунёда бирор-бир халқ ўзи яшаб турган ҳудуд ёки минтақада бошқа этник бирликлар билан аралашмай халқ сифатида шаклланмаган. Бу борада рус тадқиқотчиси С.Толстов куйидаги фикрни билдиради: «Ҳозирги замон Ўрта Осиё (бугунги Марказий Осиё атамасининг собиқ иттифоқ пайтидаги талқини) халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди, аксинча уларнинг шаклланишида ерли халқлар ва теваарак атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган».² Бундан ташқари тарихий жараёнлар давомида аجدодларимиз бир нечта этномаданий босқичларни босиб ўтган. Албатта, агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон ҳудудида турли даврларда ижтимоий ва сиёсий жараёнлар турлича кечганлигини кузатамиз. Агар биз уларни таҳлил қиладиган бўлсак, Александр Македонскийдан тортиб турк хоконлиги, эронийлар, хитойликларнинг юэчжилар қабиласи, араблар истилоси, мўғул босқини, Шайбонийлар ва Чор Россиясигача олиш мумкин. Бундай вазиятда, албатта, юртимиз ҳудудида азалдан яшаб келаётган элатларнинг маданияти, урф-одатлари, расм-русумлари, тили ва бошқа хусусиятларида маълум ўзгаришлар рўй берган.

Миллий идентиклик жамият тараққиёти, иқтисодий-сиёсий даражаси, маънавий камолотида ҳал қилувчи омилдир. Миллий идентификациялашув жараёнларини тарихий хотира билан такомиллаштириш, аҳолининг фуқаролик позициясини такомиллаштириш ва афзаллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳар бир инсон табиати шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. Инсон бир ўзи буларнинг барчасини қўлга кирита олмайди ва бунинг учун унда муайян жамоага мансуб бўлиш эҳтиёжи туғилади. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзи каби инсонлар билан бирлашишга интилади. Инсоннинг ижтимоийлашуви сунъий характер касб этиб, у шахс сифатида бошқа инсонлар ўртасидагина шакллана олади. Агар у инсоний муносабатлардан ҳоли бўлса, ўзидаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатдан халос бўла олмайди. Шу сабабли ўзга кишиларнинг иштироки ва кўмаги орқалигина одам ўзи интилган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти яхлитлик касб этади. Шу тариқа натижада инсон жамоалари вужудга келди.

¹ Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик тафаккур // Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти Тошкент, 2007. – Б. 12.

² Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. // М.: Советская Энциклопедия, 1947. № VI, - С. 304.

Диссертациянинг учинчи боби «Янгиланаётган жамиятда қорақалпоқ халқи миллий идентиклигининг такомиллашуви» деб номланади. Тадқиқотимизнинг мазкур бобида қорақалпоқ халқининг умуминсоний ва миллий ментал хусусиятлари, халқнинг кундалик ва тарихий ҳаёти ижтимоий негизлари, миллий мансубликни англашга бўлган майли, қорақалпоқларнинг шахс сифатида ўзаро муносабатлардаги монандлиги, тарихий ва руҳий жиҳатдан айнанликни намоён этиш хусусиятлари таҳлил этилади.

Асосий эътибор қорақалпоқ халқининг миллий идентиклигини намоён этиш омили билан умуминсоний негизларнинг ўзаро муносабатлари ва глобаллашув шароитида кечаётган ижтимоий жараёнлар таҳлилига қаратилган, ҳамда шулар асосида тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Мазкур бобда Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролик жамияти ривожининг бугунги босқичида полиэтник муносабатларнинг этник, диний, фуқаролик мансубликни қўллаб-қувватлашдаги ҳолати ва эришилган замонавий этник идентиклик таҳлил этилади. Глобаллашган дунёда бир томондан маданиятларнинг тинимсиз ўзаро диффузиялашуви жараёни кечаётган бўлса, иккинчи томондан, миллий маданиятларнинг ўзаро дифференциацияси кучайиб бормоқда. Бу жараёнлар, табиийки қорақалпоқ идентиклигини ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Географик жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг Шимоли-ғарбий қисми, яъни Амударёнинг қуйи оқими ва Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган. Ҳудуднинг умумий ер майдони 166,6 минг квадрат километрдан иборат бўлиб, у эгаллаган майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ўртасида биринчи ўринда туради. Қорақалпоғистоннинг аҳолиси сони 1 млн 853 минг 500 нафардан ортиқ, қорақалпоқлар умумий аҳоли сонининг 32,1 %, ўзбеклар 32,3 %, қozoқлар 26,3 % ва қолган 9,3 % ни туркман, корейс, татар, рус, украин ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади.¹

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида ўзбек ва қорақалпоқ тиллари давлат тили сифатида эълон қилиниб, Конституцияда тегишли модда билан мустаҳкамлаб қўйилган. Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси хисобланади. Республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилмаси 15 та туман: Амударё, Беруний, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус, Тахтақўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Бўзатов, Эллиққалъа ва пойтахт Нукус шаҳридан ташкил топган. Шунингдек, 12 та шаҳар, 16 та шаҳарча ҳамда 112 та овулдан иборат.²

Ўтмишда қорақалпоқлар азал-азалдан Амударё, Каспий ва Орол денгизи соҳилларида истиқомат қилган. Иқлими шимол шароитига хос бўлса-да, айрим номутаносибликлар бор, чунки чўл ва ярим чўл, дашт ҳамда

¹ Алимов О. Дунё, сиёсат, жамият. Қайта ишланган ва тўлдирилган 9-нашр. // «Гулистон», - 2018. - Б. 32.

² Ўша китоб.

воҳадан иборат бўлгани учун иқлими анча мураккаб. Бу ўз навбатида аҳолининг ўзига хос менталитетида аксини топган. Қадимдан қорақалпоқлар чорвачилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланиб келган ва бугунга келиб ушбу халқнинг 104 та уруғи сақланиб қолган.¹ Кейинчалик деҳқончилик, боғдорчилик, пахтачилик ва узумчилик ўзлаштирилди.

Замонавий жамиятнинг ривожланиши билан вужудга келувчи янги ҳодисалар ижтимоий воқеликнинг ўзига хос хусусиятларини назарий рефлексия² қилиш заруратини келтириб чиқаради. Қорақалпоғистон Республикасида фуқаролик жамияти ривожининг ҳозирги босқичида полиэтник муносабатлар ва фуқаролик мансублигини қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезилади. Зеро, глобаллашув жараёнлари кучайган сари маҳаллий ўзига хосликни сақлашга эҳтиёж ошиб боради.

